

Мунофиқларнинг юзага чиқиши...



15:00 / 10.11.2020 1676

Бадр урушидан сўнг айрим Мадина мушриклари мунофиқлик йўлини тутишди. Уларнинг раҳбари Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул эди. Энди улар Исломга қарши махфий иш юрита бошлашди.

Кудрдаги Бану Сулайм ғазоти

Шаввол ойининг бошида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Сулайм қабиласи яшайдиган Кудр (Мадинанинг жануби-шарқий тарафида 8 барид 177 км узоқликда жойлашган) диёрига икки юз отлик билан бордилар. Сабаби Бадр жангидан сўнг Бану Сулайм ва Бану Ғатафон қабилаларининг Мадинага ҳужум қилиш учун куч тўплашаётгани ҳақида у зотга хабар етиб келган эди. Мусулмонларнинг келаётганини эшитган қабила аъзолари тум-тарақай бўлиб қочиб қолишди.

Бану Қайнуқоъ ғазоти

Бану Қайнуқоъ Мадинага кўчиб келган яҳудий қабилалардан бири эди. Улар аҳдногани бузиб, мусулмонларга таҳдид солишди. Шаввол ойининг ўртаси, шанба куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни қамал қилдилар ва бу қамал ўн беш кун давом этди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қайнуқоъ аҳлининг қалбига қўрқинч солди ва улар таслим бўлишди. Сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан Мадинадан кўчиб кетишларини талаб қилдилар ва бу иш рўёбга чиқди.

Ҳижрий иккинчи йилда бўлиб ўтган бошқа ҳодисалар

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орзу қилиб юрган иш содир бўлди: ражаб ойининг ўртасида Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мусулмонларнинг қибласини Масжидул ақсодан Масжидул ҳаромга бурди.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло Бақара сурасида баёнот берган:

«Гоҳо юзингнинг осмонга тез-тез қайрилганини кўрурмиз. Сени ўзинг рози бўлган қиблага бурурмиз. Юзингни Масжидул ҳаром томон бур. Қаерда бўлсангиз ҳам, юзингизни у томон буринг» (144-оят).

Бу иш яҳудийларга ёқмади. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши турли гапларни тўқишди, ифво тарқатишди. Шунда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Бақара сурасидаги кейинги оятни нозил қилди:

«Агар китоб берилганларга барча ҳужжатларни келтирсанг ҳам, сенинг қиблангга эргашмаслар. Сен ҳам уларнинг қибласига эргашувчи эмассан. Ва улар бир-бирларининг қибласига эргашувчи эмаслар» (145-оят).

Бу йилда рўза ва закот ибодатлари фарз қилинди.

Шунингдек, ҳаддлар – шаръий жазоларни амалга оширишни йўлга қўйиш бошланди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳалол ва ҳаромни ажратишни фарз қилди.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан